


ОСМОНИНГДА ЭРКНИНГ ҚУЁШИ АБАД ПОРЛАЙВЕРСИН, ҶУР ЮРТИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАХАЛЛА» жамғармасининг нашри



№ 35 (313)

2002 йил 28 август, чоршанба.

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

1991-2002



Кексалик гашти

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақидаги Фармонига асосан бир гуруҳ юртдошларимиз мукофотландилар. Улар орасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаол меҳнат қилаётган куйидаги ходимлар ҳам бор.

«Эл-юрт хурмати» ордени билан

ВАХОБОВ Халил - Собир Раҳимов туманидаги «Чимбой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

«Меҳнат шухрати» ордени билан

АХМЕДОВА Рўзахон Аминжановна - Асака шаҳридаги Амир Темура номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

НАСРУЛЛАЕВ Ислоҳ Сайфуллаевич - Жондор туманидаги «Селатта» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

«Дўстлик» ордени билан

МУСУРМАНОВА Майрам - Ш.Рашидов туманидаги «Қўрғонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раиси, Сирдарё вилояти

МЎМИНОВА Зулфия Мардановна - Сирғали туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раиси, Тошкент шаҳри

БАХРИЕВА Тамара Абдуллаевна - Сирдарё туманидаги «Малик» қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси, Сирдарё вилояти

ХУСАИНОВА Лалихон Акмаловна - Яккасарой туманидаги «Тўқимачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

«Шухрат» медали билан

ИБРАГИМОВ Қаюмжон - Учқўрғон туманидаги «Қайқи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

МАХСАДОВ Эсан - «Маҳалла» хайрия жамғармаси Пахтакор тумани бўлимининг раиси, Жиззах вилояти

СЕРЖАНОВ Жарасқбай - Кегейли шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ШЕРМАТОВА Мархабо Мирсаатовна - «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг бош ҳисобчиси, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Қаҳрамони!

Истиқлол байрами арафасида Жиззах давлат Педагогика институтини қошидаги иқтидорли болалар лицейининг раҳбари **Марат Зокиров** ана шундай улғунининг соҳиб бўлди.

Ешун кексанинг юзу кўзида қувонч, ўзи яшаётган Оққўрғонлик маҳалла кишилари ҳам уни чин дилдан қутлашарди.

Марат Зокиров Истиқлол имконларидан фойдаланиб узоқ йиллик иш тажрибалари асосида кўплаб ўқув қўланмалари яратди, ёш авлоднинг билимдон бўлиши йўлидаги ўз ташаббусларини бирин-кетин амалга ошираверди. Болаларнинг физика фанини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида жамки ўқув хоналарини энг сўнгги техник воситалар, кўргазмали қуроллар ва қўшимча манбалар билан безатди. Эндилда ўқувчиларнинг бу фан бўйича рейтинг кўрсаткичлари илгарти йиллардагидан анча юқори. «Мазрифт сабоқлари», «Соғлом авлод - юрт таянчи», «Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!» сингари кўплаб ўқув қўланмалари

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Муносиб тақдирланганлар

Марат Зокировнинг сай-ҳаракати билан чоп этилиб, кенг ўқувчилар оmmasига тарқатилди. У раҳбарлик қилаётган лицейдаги 300 боланинг ҳаммаси иқтидорли. Марат Зокиров уларнинг ҳар бирини жамият равақига муносиб ҳисса қўладиган етуқ кадрлар бўлиб етиштиришни орзу қилади ва бунга ишонди.

«Ёш авлод билимдон бўлсагина ҳуқуқий демократик давлат қуришдек катта мақсадга эришиш осон кечади, - дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров. - Таълим-тарбияни ислоҳ қилиш йўлидаги сай-ҳаракатларимиз беиз кетмайди, албатта. Фақат, биз янада фидойи, янада

хушёр бўлмоғимиз зарур. Марат Зокировнинг хонадонига маҳаллада кўпчилик ҳавас қилади. У умр йўлдоши Мўтабар опа билан ўн нафар ўғил-қизни улғайтиришди. Фарзандларининг ҳаммалари бу кун эл-юрт хизматида. Қирқ чоғли набиралар катта оиланинг қувончи, умиди.

«Яхшиликка ҳаммиса мукофот бор!» дейди кексалар. Марат Зокиров бу ҳикмати эндиги кунларда янама қаттиқ ишонди.

Пардаёи ТОҶИБОЕВ,
«Mahalla» муҳбири.

ЮРТГА БАХШИДА УМР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан мукофотланганлар орасида академик Яхё Фуломов ҳам бор.

Устоз академик Яхё Фуломов ҳақида ўйлаганимизда бу ажойиб инсон ва тенгсиз олим ҳақида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарига низоҳатда топиб айтган қуйидаги сўзлари ёлга келавради:

«Мен академик Яхё Фуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавазим эгасига ёқмайланган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди. Бу фазилати тўғрисида тазйиқ кўрганлари ҳам эшитганман. Ле-

кин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим».

Яхё Фуломовни «халқ академиги» деб ҳам аташлари бежиз эмас эди. Домла олдин дехқон, чорвалор ёки олим билан, мансабдор шахслар билан ҳам бир хил самимий муносабатда бўлар эди.

Академик Яхё Фуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиши», «Суний суғориши», мавзуларидаги ва ибтидоий

давр тарихи, шунингдек, неолит, энеолит ва бронза, тош даврлари оид илмий ишлари Марказий Осиё ва жаҳон цивилизацияси тарихига қўшилган муҳим ҳиссасидир. Забардаст олимнинг тарих ва археология фанларини ривожлантиришда, хусусан кўп жилдли «Ўзбекистон тарихига бағишланган асарларнинг юзага келишида хизматлари каттадир. Олимнинг Самарқанд, Бухоро, қўнра Урганч, Жиззах каби шаҳарларнинг тарихига бағишланган ишлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ мустақил тузум сиёсати машҳур олимнинг ҳам ҳаётини четлаб ўтмади.

Республиканинг биринчи раҳбари муҳтарам Шароф Рашидов Домлани тез-тез хушроқ чорлаб сўхбатлашар эдилар. Кўнларнинг бирини у киши Ш.Рашидов ҳузурини

ва, Ленинград (Санкт-Петербург) олимлари Ўзбекистон археологияси ва тарихи билан доимий ҳамкорликда бўлишган, уни шубҳасиз йирик олим сифатида тан олган.

Устознинг кўплаб юрак армонлари, орзулари мустақиллигимиз туғайди рўёбга чиқди. Афсуски, Домла Республикамиз мустақиллигини кўра олмади. Ҳамини озолик ва эркинлик орузи билан яшган академик Яхё Фуломовнинг ёрқин хотираси халқ қалбига абадий яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан мамлакатимизда академик Яхё Фуломов номидаги «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи» илмий семинарлари мунтазам ўтказилиб турибди.

Мана, бугунга келиб Яхё Фуломовнинг халқимиз учун хизматларини Ўртбошимиз ҳам муносиб тақдирлади. Биз академикнинг сўзини бугун «Яхшиям, ўзбек халқи бахтига шундай Ўртбошимиз бор» дея фахр билан давом эттирамиз.

Юсуф МАНЗАРОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент.

Ифтихор туйғуси

Бу ёруғ оламда эзгуликлар кўп.

Биргина эзгу иши ёҳуд бир ониз эзгу сўзи билан ўз миллатининг юрагига озолик чиропини ёқиб кетганлар кўп...

- Бирлашайлик, тирик бўлайлик ва буюк бўлайлик! - деган эди улғун алома Ҳожи Бектос Валий.

- Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ - менинг ўлимим, сенинг учун ўлмоқ - менинг тириклигимдур! - дея ёган эди Фитрат.

Утган аср бошларида айтилган бу сўзлар Ватан озолигини орзулаган ҳар битта улғун миллатдошимизнинг қалб даявяти бўлиб тарихга кирди. Аслида юрт истиқболини ўйлаб жонини қурбон қилганлар оми? Кўнгилларида истиқлол умидини уйотганлар-чи? Мангу хотиралардан ўчмай, ҳали қанча-қанча авлодларга қайта-қайта сўзлаб берсак арзийдиган эзгуликларимиз кўп...

ЧИРОҒИНГ ЎЧМАСИН, ИСТИҚЛОЛ!

Биз учун бугуннинг энг буюк эзгулиги - Истиқлолдир.

Кўз ўнгимиздаги ҳар бир мўъжизада Истиқлолнинг бўйларини кўраман. Унинг ўйна-хаёллари, қувончлари кўнгилларида тобора улғайганини ҳис қиламан. Эркил юрт кишинининг йўли узун, сўзи баян бўлишини фахлайман. Истиқлол туйғайди биз дунё сарҳадларига бўйладик, энди кечагидан бошқачароқ фикрлаб, кечагидан бошқачароқ яшаймиз!

Гоҳу даврларда кечаги кунларимиз ҳақида сўз боради. Яхшиликларни эътироф этилади, оғриқлари хотирланади. Шу сўхбатларни тинглаётиб, кечаги кунларнинг изтироблари менинг ҳам кўксимни гижимлаб ўтади...

Қишлоғимиз четиди катта боз бўларди. Йил бўйи асал ҳиди анқиб турадиган бу боғнинг

анвоий мевалари бутун қишлоқликларга етиб ортарди. Бир кун одамлар ўртасида хунук гап оралаб қолди.

- Боғни бузишди, ўрнига пахта экишаркан.

- Йўзе, нега?

-Боғлаги дархатларнинг қўли мевалар қолган, ёш дархатлар кам, қайтага пахта экилса зўр ҳоел беради, дейишяётганмиш.

- Бекор гап! Бу боғ ҳар йили бутун қишлоқни боққди. Хуллас, қишлоқ кексалари «боғни буздираймиз» деб туриб олишди. Лекин... «Гап битта, юқоридан буйруқ бор» дедилар. Эртасига кучли тракторлар назра тортиб боғ то-

монга «хужум» бошладилар. Бизга ёзу-қиш саҳий она каби муруват кўраатган боғ ўрни тептекис майдонга айланди.

Уша йилларда қишлоқ ва маҳаллаларга кўрк бўлиб турган чорбоғу тулзорлар йўқотилиб ўрнига пахта экилар, ҳатто болалар боғчасига дала шийпони томорқаларида ҳам мена-сабзавот эмас, «оқ олтин» етиштирилари. Ҳеч ким юрак ютиб бир сўз айтмас, ҳамманинг дарди ичида эди. Бора-бора кўзларимиз бунга ўрганди...

Вақт жадал илгариларди. Замон янгиланади.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб анъанавий «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонқуяри» кўрик-танловларини эълон қилганди.

Айни кунларда ушбу кўрик-танловлар якунига етиб, комиссиялар ҳулосасига кўра голиблар аниқланди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раёсати бу ҳақда ўз қарорини қабул қилди.

Халқимизнинг илмий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш ва тарғиб қилиш, удул ва анъаналарни оммалаштиришда фаоллик кўрсатган, инсонийлик сифатлари

билан бошқаларга ибрат бўла оладиган «Ибратли маҳалла оқсоқоли» деган шарафли номига Қорақалпоғистон Республикасининг Бўстон шаҳридаги Абай маҳалласи оқсоқоли Жангабоб Даулбоев ва Тошкент вилоятининг Қўнра туманидаги Фафур Фулом номи маҳалла оқсоқоли Кўтбиддин

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Фахриддиновлар сазовор бўлдилар.

Маҳалла тизимида кичик ва урта бизнесни ривожлантириш, кичик корхона ва хусусий тадбиркорлар фаолиятини шарафит яратиш, ёшларга хушроқ ўргатиш ва уларни иш билан таямиллаш борасидаги тадбирлари билан ўртак бўла оладиган «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» деб Тошкент шаҳрининг Шайхонли туманидаги Гузариш маҳалласи оқсоқоли Турмушжа Эргашев ва Наманган вилояти Наманган туманидаги Оқер маҳалласи оқсоқоли Абдусалом Сатторовлар топилди.

«Маҳалла» кўрик - танлови

«Маҳалла» кўрик-танловини ўтказишдан мақсад маҳаллаларда оқсоқолнинг ёнида туриб, турли кенгашлар фаолиятини, маҳалладаги ташкилий ишларда фаоллик кўрсатувчи жамоатчи маҳалла жонқуяриларнинг хизматларини эътироф этиш ва рағбатлантириш эди. Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Ф.Ху-

жаев туманидаги А.Алиев номи туманидаги Фаоли Оқила Раҳимова, Жиззах вилояти Жиззах шаҳрининг Оққўрғонлик маҳалласи фаоли Наби Муродов, Наманган вилояти Наманган шаҳридаги Тахтақўрик маҳалласи фаоли Умархон Аҳмедов, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Мангувар маҳалласи фаоли Шермамет Маматқулов, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Дўстлик маҳалласи фаоли Рисолат Зиёева, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Оби-хаё маҳалласи фаоли Арслон Исмоилов, Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги Мирзо Иброҳим номи маҳалла фаоли Шавкат Зулфировлар маҳаллаларимиз фаолиятини фидоилик кўрсатётган минглаб маҳалла фаоллари ичида ибрат кўрсатиб республика миқёсидаги «Маҳалла жонқуяри» деб тан олинган ва ушбу кўрик-танловнинг голиблари бўлишди.

2-САҲИФАДА

АНОНС

- * Сўхда катта сайл бўлди...
- * Болаларга энг яхши ва энг зарур совға - китоб!
- * Кўҳокий «тоғлик» дегани экан...

3-САҲИФАДА

АНОНС

- * Байрам арафасида билдирилган эзгу ниятлар барчамизни эзгу амалларга чорлагай!
- * Одамнинг бахти озодлигида, халқники эса - Мустақиллигида!

4-САҲИФАДА

АНОНС

- * Биз ўқимаган китобдан парча.
- * Мушкул муаммо албатта пул билан битади(ми)!?
- * «NEXIA» мизнинг қуввати ортди!

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатуви» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Тахрират манзили:

Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар:
Кабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-76
Хатлар бўлими: 136-57-62.

ДУНЁНИ ИСТИҚЛОЛ БЎЙЛАЙДИ БУ КУН ДОВРУГИНГ, МАХАЛЛАМ МЕНИНГ

(Давоми.Аввали 1-бетда)

Юр аёлларимизда хурлик чечаклари барқ ура бошлайди. Тафаккури Озолик шуъласидан куч олиб, кўнгил кўзи тинчлашадиган ҳар киши борки, у нозик жуссасига Даврни елкалаб, дадил оидиллаверади. Вужудига тенгсиз куч-қувват, юрагига нури ҳидоят ёғилади. Ботинида умид ва саодат, зодирда ишонч ва жасорат тантана қилади.Олда эса музаффар тонглар бор. Еруғ маззиллар бор!

«Ортимиздаги кўприклар ёниб кетган...» - дейди бугун мамлакатимизни ва унинг баробарида халқимизни порлоқ келажак сари етаклаётган Юртбошимиз. Бир вақтлар қалб даричасидан ичкарига боқиб, унда рангин бир оламни кўролган ва бундан бениҳоят ҳайратга тушган Аҳмад Дониш ҳазрати Инсонга қарата шундай дейди: - Агар сен тафаккур дарёсига чўмсанг, етти қат осмонни ҳаёлиң кўтичасанга жойлашсан. Ҳаёл қувватини ишлатсанг, етти қават ерни фикринг тоқчасига сипарасан. Меҳрибонлигинг турса, бечора чумоли-

ни кипригинг устида ас-райсан. Сахийлигинг жилава қилса, кийган тўннигинг муктожга тутиб, ўзинг яланғоч юрасан. Юрагинг салтанатида эзгулик, мурувват, ҳамият, саховат, тўғрилиқ ҳокими мулақ. Фикру зикринг, инон ихтиёринг шу-

ларимиз қайта тикланди. Қишлоқларимиз, маҳалларимиз қайта тикланди. Улардаги юз бир ҳунарлар, унут бўлган ўғиту ҳикमतлар, кўнгилларни бир-бирига маҳкам боғловчи азали одалтар қайта тикланди...

бизга ёт. Истиқлол бизга чиройли яшаш имконини берди. - Мен сал бўш қолсам далани айланман, - дейди арнасолик деҳқон Абдукарим Мамасолиев. - Пахтаси очилаётган кўсақлар, олтиндай товланаётган бугдой бошоқ-

Ҳа, хурликнинг завқу шавқи, орзу-уйлари кўнгилларимизни чароғон этади, бизни юрт учун фидойи бўлишга ундайди. Фидойи бўлмоқликни орзуламаган ким бор?! «Юрт тақдирини фидойи одамлар ҳал қилади!» дейди яна Президентимиз. Эзгу ишимиз, эзгу сўзимиз, ҳеч бўлмаганда юртдошларимизга эзгудикини соғиниб яшашимиз билан ҳам фидойилар сафига қўшилмоғимиз мумкин, аслида. Эзгу ҳаёллари билан юрагимизни чуғлантираётган бугунги овоз кунлар ҳар биримизга муборакдур. «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!» дейди элимизнинг уйғоқ қалбли ўғлони. Хур замонларни кўролмай кетган миллатдошларимиз олдида фидойилик қаримиз борлигини унутмайлик... Кўнгилларда ёққан чирочинг абадий ўчмасин, Истиқлол!

Гулчехра ЖАМИЛОВА.



Самарқанд вилояти Темир йўл туманида мустақиллик байрами арафасида «Маҳалла маркази» ишга тушди.

ЧИРОҒИНГ ЎЧМАСИН, ИСТИҚЛОЛ!

лар измида. Сен буюк бир хилқат, дунёнинг мангу тўхтамас юраги, мустақкам таянчсан. Бундан бўён ҳам шундай қолаверсан! Ўзбек халқи - жуда буюк, жуда қадимий, у минг-миг йиллар илгари пайдо бўлган. Эзгулик, мурувват, ҳамият, саховат, тўғрилиқ - аждоқларимиздан мерос. Биз шу кўтуғ мероста суяниб, жангу жадаллар, тўфону талафотлар, оғир даврлардан омон чиқдик. Шу меросимизга суяниб эзгуликлар яратдик, ўзимизни ва ўзлигимизни англаб едик. Қадимий аллаларимиз, алёрларимиз, кўҳна оҳанг-

Озолик бизга нима берди? Биз бу кун қай ўй-хаёллар билан ишлашимиз? - Қанон шафтоли пишдила оғзимга тушади, деб ўтириш ҳозирги давр кишисига ҳос эмас, - дейди кекса маҳалла оқсоқоли. - Ниманики ният қилсан, албатта шунга яраша ҳаракат зарур. Бизни кўллаб-қувватлайдиганлар кўп, қўлимизни қаёққа узатсақ етади. Шундай экан, лоқайдлик

ларини кўрсам кўзим қувонади. Қаранг, буларнинг ҳаммаси ўзимизники, ҳосил ҳам, даромад ҳам... - Хар оиланинг тинчлиги бутун жамиятнинг тинчлиги эканини бугун маҳалла аҳли яхши тушунади, - дейди Тошкент шаҳридаги Гулистон маҳалласи фаоли Кумрихон Тангрибердиева. - Биз эскича қарашлардан воз кечдик. Қўл ураётган ҳар ишимизда аниқ мақсад бор!

Юртимиз тарихи ва бугуни

ПАРКЕНТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

- * «Бобурнома»даги Паркент ўзимизнинг Паркент экан!
- * Фаркат (Паркент)нинг кумуш тангалари эрмитажда сақланади.
- * Шаҳзодалар дам олаш гўша...
- * «Заркент Ота» зиёратгоҳи қайта таъмирланмоқда.
- * Мурувватли одамлар кўп.

Қадимий манбаларга кўра, Тошкент вилоятидаги Паркент тумани жуда узоқ тарихга эга. Эрамизнинг VI асрларида бу жойда Заркент, Сўқоқ, Новдак ва Номданак (Нимданак) қишлоқлари мавжуд бўлган. Ушбу қишлоқларнинг табиии сўлим, ҳавоси тоза экан. Ҳатто, бу ерларда қайнаб чиқадиган зилол булоқлар сополдан асалган оқий сифатли кувурлар орқали оқий эзилган. Эл-улус шу кувурлардан сув ичганлар. Қазималар пайтда Чорлоқтепа ва Оқтош тепаликларидан ўша даврларга ҳос бўлган сопол кувурларнинг парчалари топилди. Шунингдек ушбу тепаликлар ҳамда «Ичқўрғон» қалъаси харобаларидан ўқ-ёй ясаш дастоҳлари, муҳр ва тамбак устаконаси, биноларга беэзак сифатли ишлатилган оқ тошлар ҳам қазималар пайтда топилган ва бу нарсалар Паркентнинг қадимада ўта шухрат топган гўзал ва доврқўди жой бўлганидан далолат беради.

Паркент худудидан топилган ва бугунги кунда Санкт-Петербург давлат эрмитажиде сақланган кўпгина мис ва кумуш тангалар Еттикентнинг, яъни Паркент тумани худудига кирадиган еттига қишлоқ - Заркент, Чанги, Хисарақ, Сўқоқ, Навдак-Невич, Намданак ва Сабчанакнинг жаҳон тамаданлида маълум ўрнини эгаллатганидан далолат беради.

Паркентнинг ниҳоятда гўзал табиии тарихий шахслар асарларида ўз ифодасини топган. «Бадоеъуд вақо» («Ноҳир воқеалар») асарининг муаллифи Зайниддин Восифийнинг ёзишича, у Эрон шойи Исмоил тақриби сабабли 1512 йилда Мовароуннаҳрга келган. Ўстадлари унинг машқатли йўл азобидан сўнг ҳаётбахш маскан Паркентга бориб, ўша ерда бир мудат тин олишларини маслаҳат берадилар. Восифий бу сафарини шундай баён

этади: «Тошкентга яқинлашганимизда, бу дегирга тушмоқни маслаҳат кўрмай, Фаркат қасабасига йўналдик. У гўят хушхаво ва дилқаш жойдирки, Боғи Эрам ундан хижолат тортиб, юзига яширинчи пардасини олган эди. Жаннат боғи унинг чашмаларига рашиқ қилиб, ҳавзи кавсаридан оғзига сув олиб олганди. Фаркатдан бир фарсаҳлик ерда бўлган Нимданак қишлоғига етган, бу фақир бир ҳолисига лўч келдим» деб ўзининг йўл азобидан чарчаганлиги, Нимданак булоғи бўйида бир ҳафта дам олиб соғайиб кетган, яна Тошкентга қайтганлигини баён этади. Асарда Паркент Фаркат номи билан аталган. Восифийнинг ушбу сафардан олган таъсиротлари унинг «Тошкент ва унинг боғу роғлари насфида» номли асариде атрафича баён этилган. Асарда айланик Тошкент ва унинг теваврак-атрофидаги Фаркат ва Нимданакнинг равои суварли, боғу роғлари, ҳайратомуш биноларини турип-тушим мевалари завқ билан таъсирланган: Суварлар кўрсанда у оби ҳаёт, Тортишиб зулматга яшириниб бот, Бурак анҳорининг суварли равои, Жаннат боғларида салсабасумон... Хўсайни узумин қилган томошо, Дурдона янгилик кўп қимматбахо.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит турк» асариде «Паркент» иборасига шарҳ берилиб у «жуду» қишлоқ деб аталган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асариде эса «Паркат» номи билан юртилиди. Маълумки, Мирзо Бобур Тошкентнинг Кўкча музофотида (бугунги кундаги тери-галантирия корхонаси жойлашган жойда) ўз тоғаси ва бир вақтда қайнатоси томонидан биринчи галда қувғинликдаги «шоҳ», қолаверса кўёв сифатида зарур бўлган иззат-иқром билан қабул қилинмаган, юқорида шoir Восифий баён этган, жаннат боғи рашиқ этган чашмалардан бўлиши ва тарихда «Зарангкент», «Заркент Ота», «Заркент», «Мурдобахш Ота», «Кўш қўлмас авлиё» каби турли номлар билан аталган келинган бугунги Заркент қишлоғидаги «Заркент Ота» зиёратгоҳига кўнади. Шаҳзода бу ерда бирмунча фуреат бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг шоғирди, Али Қўшнинг набираси, таниқди олим, тарих, ҳуқуқшунослик, мантқиқ, араб тили ва грамматикасининг билимдонни Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳодий билан сўбатда бўлади. Гап шундаки, Кўҳодийнинг отаси Камолдин Паркентда яшаган. «Кўҳодий» олимнинг тахаллуси бўлиб, тоғлик деган маънони аналганлиги маълум ҳақиқатлар. Шахсий сифатлари ва илмий салоҳияти билан машҳур бўлиб Ҳофиз Кўҳодий кенг ҳақ оммамаси орасиде «Ҳофиз Кўҳодий» номи билан ҳам машҳурлар. Бугунги кундаги Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги Ҳофиз Кўҳодий номи маҳалла шу улдуз зотининг номи билан юртилиган. Табиийки, шунчалик дам олибгина қолмасдан, унинг кўйи оқимиде жойлашган Самарқат қишлоғиде Ҳиндистон сафари учун катта ҳарбий тайёргарликлар кўрган. *** Заркент Ота - Мурдобахш Ота зиёратгоҳининг тенги йўқ гўзал. Суви шифобахш.

БОЙСУН ТУМАНИДАГИ 256-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА ЖАМОАНИА ЖАМОАСИ

МАХАЛЛАДОШЛАРНИ ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ БИЛАН САМИМИЙ КУТЛАЙДИ!

КУЛОЛЛИКНИНГ КЎЗГУСИ - ГУЗАР

Шахрисабз шаҳри Кулоллик маҳалласида мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан маҳалла суари ишга тушди. Гузар халқимизнинг энг яхши анъаналардан бири - ҳашар йўли билан қурилади.

Кулоллик шаҳримизда қадимий сениларди даражада кўпайган. Бунга маъна шу сабаб дея бирор нарсани аниқ кўрсатиш қийин. Аммо ҳаётий тажрибам ва кўп йиллик кузатишлар натижаси сифатида шунини айтишим мумкинки, одамлар, яқинлари орасиде бўла туриб ёлғизлини қолиш уларни шу йўлга бошлайди. Мен бундай машғум ҳолисанинг бўлмаслигига ҳаракат қиламан. Ва шу кунгача қилган ҳаракатларим зое кетган эмас. Кулоллик маҳалласиде ҳам яшил майдонча ташкил қилдик. Ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида спортнинг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Умуман олганда маҳалла ободончилигига катта эътибор бериляпти. Маҳалламизда жойлашган дўкон, чойхона, ташкилотлар ҳар доим биз-

СЎХ МАХАЛЛАЛАРИ

Фаргона водийсининг сўлим гўшаларидан бири Сўх туманидаги тадбир «Мустақиллигимиз абадий бўлсин!» деб номланди. Тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари маҳалла фаоллари, «Маҳалла» жамғармаси бўлималари раислари, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатларидан меҳмонлар қатнашди. Тадбир неча айнан водийнинг чекка бир туманида яъни Сўхда ўтказилди? Аслида шу савоалини жаъовбиде бу тадбирнинг туб моҳияти очилади.

Маълумки, Сўх тумани қўшни Қирғизистон худуди билан ўралган. Бунинг устига туманда кўплаб тожик миллатига мансуб юртимиз фуқаролари яшайди. Шу нуқтага назарлардан олиб қараганда бу ердаги юзлаб одамлар иштирокидаги ҳар бир тадбир дўстлик тадбиридир ва мазкур байрам тадбири ҳам турли миллат кишиларининг дўстона кайфиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Иккинчидан ва энг асосийи туманда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига алоҳида эътибор билан қараётганининг кўзга яққол ташланувчи намунасини кўриш мумкин эди бу ерда.

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги нишонланадиган йил Қарияларни қалрлаш йили деб аталгани шу қадар ҳаётий эдики, шу босдан ҳам бу борада ҳаётий гоғлар туғилди ва буларнинг ҳаётдаги амалиёти йўлидаги ҳаракатлар маҳаллалар фаолиятининг кенг кирраларини очиб берди.

Тўғриси айтсам, - дейди туман ҳокими Ҳакимжон Сайфилинов, - туманимизда энг сўлим ва дам олиш учун қудай жойлардан саналиб келинаётган Ҳазрат Али зиёратгоҳида 13 та маҳалла учун алоҳида-алоҳида шийпон қуриб, «Маҳалла» маркази барпо этиш таклифини ўртага қўйганимиз асосий иш ўз зиммамга тушиб, қолган ишларга вақтим ҳам ортмай қолса керак деб ўйлагандим. Аслидаку, бу ишга астойдил қизиққанымдан, бундан нари кетгим йўқ, эди. Аммо шу ўринда маҳалланинг нақадар яқдил куч эканлигини ҳам шунда ҳис қилдим. Улар-

га жой ажратилгач ҳар бир маҳалла ўз шийпонини қуришга астойдил киришиб кетди. Биз бу маскани қуриб, бугунги аҳволга келиши учун бўлган филокорона жипсликни бугун бу ерда барпо этилган кичик-кичик ишоотларни қўриб тасаввур қилишимиз мумкин. Ҳар бир шийпон шарқона ўймакорликнинг асл намунасини акс эттириб турибди. Шундай қилиб, бу ерда Обишер, Янги ариқ, Навобод, Равон, Пуширгон, Қалъапоён, Истиқлол, Демирсағ, Чашма, Чумоқча, Мушканд, Сариканда, Сарибош маҳаллалари номи билган шийпонлар қад ростлаб, «Маҳалла маркази» дунёга келди. «Маҳалла маркази» нафақат байрам ва тадбирларда, деярли ҳар кун даму олувчилар билан гаужум. Бу том маънода истиқлол нима ти эди. Шунинг учун мустақиллик байрами олдида бу ерда ушбу тадбир уюштирилди.

Бу масканда тадбир ўтказишимиздан мақсад, - дейди вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бўлими раиси Толибжон Фозилов, - бу намунавий жамғуруи бошқаларга ҳам ибрат учун, ҳам ўрганиш учун тарғиб қилиш эди.

Тасаввур қилинг, тадбир роппа-роса олти соат давом этди. Аммо ҳеч кимнинг на сезибонлар, на меҳмонлар кайфиятида зериктиш ёки толиқиш белгиси сезмайси. Чунки тадбир одамлар қизиқшини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилган эди. Тадбирда мусиқа садолари асло тинмади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қобилжон Юсупов, Солижон Маматов ва ёш санъаткорлар қуйлаган кўй-кўшиқ, аскилар ҳаммани хушнуд этди. Шу аснода табриқлар ва кутловлар, кексаларни, ҳатто қўшнн мамлакатлардан келган кексаларни совға-саломлар билан сийлашлар бўлди.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари Мирзасул Фафуров, Гулнора Матруповалар вилоят ҳокимлигининг, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими жамғарманинг, меҳмонлар - Тожикистон Республикаси

Байрамолди тадбирлари

Оқсоқол китоб ҳадея қилди

Маҳалла фуқаролари йигини худудидеги Султон Фазнавий зиёратгоҳида қурилатган иккинчи бир шундай маскани кўрдилар. Бу ерда Лембур, Ҳазнов, Қалъача, Тау, Девайрон маҳаллалари маҳалла маркази яратмоқдалар. Бу марказ эса мустақиллигимизнинг 11 йиллиги тантаналари кунни очилади.

Уз мухбиримиз. Суратларда: Сўхда бўлиб ўтган лавҳалар. Ш.ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Маҳалла фуқаролари йигини ўз маблағи ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун 100.000 (юз минг) сўмлик дарсликлар, дафтарлар олинганлигини айтиб, ўқувчиларга тарқатди.

Уз мухбиримиз. Суратда: болаларга дарслик ҳадея қилинди.

Уз мухбиримиз. Суратларда: Сўхда бўлиб ўтган лавҳалар. Ш.ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Қашқадарё вилояти

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Республика «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Олим Хўжаев маҳалласида жойлашган «Санъаткор» чойхонасида «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида маънавий-маърифий анжуман ўтказди. Анжуманда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, Олий Мажлис депутати А.Болиев «Мустақиллик ва маънавият», Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Ҳайдаров «Мустақиллик ва маҳалла ҳақида» ўзбекистон халқ шоири Н.Нарзуллаев «Ватан туйғуси» - шоирлар

Инобат НОДИРШОҲ қизи.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
«МАҲАЛЛА» жамғармаси
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

Мустақиллигимизнинг

11 йиллиги

билан қутлайди!



«БойсунсаВдо»

ишлаб чиқариш комбинати Ҳиссадорлик жамияти
ж а м о а с и

*барчангизни озодлик ва эрк байрами
Мустақиллик кунин билан табриклайди.
Хур Ўзбекистонимиз обод бўлаверсин!*

*Муҳтарам маҳалладошлар!
Сизларни Мустақиллигимизнинг 11
йиллиги байрами билан қизғин
муборакбод этамиз.
Мустақил юртимиз ривожини йўли-
даги саъй-ҳаракатларингизга ривож ва
барака тилаймиз.*

Тошкент шаҳар Бектемир тумани
Оқсоқоллар кенгаши,
«Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси.

*Азиз юртдошлар!
Серқуёш юртимизда Истиқлол на-
симлари эса бошлаганига 11 йил тўлди.
Ушбу муборак сана муносабати билан
барчангизни қутлаймиз.
Хонадонларимизда фароғат, юрти-
мизда тинчлик барқарор бўлсин.*

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани
Оқсоқоллар кенгаши,
«Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси.



Ўзбекистон
автомобили

Янги «Нексия»

«УздЭавто» қўшма корхона-сида «Нексия» энгил автомобилнинг янги, тақомиллашган турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу модел 16 клапанли «Дойч» двигатели билан жиҳозланган. Бу мотор қувватини 85 от кучига етказиш ва тезликни ошириш имконини берди. Автомобилнинг бошқа хусусиятларини ҳам яхшилаш имконини берган ўндан ортқ ўзгаришлар киритилган. Экологик жиҳатдан ҳам янги «Нексия» бошқа машиналардан устун туради.

Бу модел уч ойда ўзлаштирилди, дейди қўшма корхона бош директори ўринбосари И.Аҳмадхон. - Халқаро сертификат олдик. Ҳозирнинг ўзида Россиядан 500 автомобилга буюртма тушган.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақида гап кетаркан, шуни қайд этиш лозимки, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 22 минг 107 та автомобил ишлаб чиқарилиб, шулардан 6741 таси экспорт қилинди. Автомобилсозлар йил охирига 2000 та янги «Нексия» ишлаб чиқариш ниятида.

С.ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири

Халқ донишмандлиги, маҳалла иш намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойнаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз -

МАНАЛЛА

ГА ОБУНА БЎЛИНИ!

(Давоми.
Аввали ўтган сонда)

ИБН МИСКАВЕЙХ

«Жовизони хараб»

(«УМРИ БОҚИЙ ҲИКМАТ») АСАРИДАН

СЎРАДИЛАР: подшоҳлар халққа нима қилишлари керак-у халқ подшоҳга нима қилиши керак?

ДЕДИ: Подшоҳлар халққа нисбатан инсофлик, меҳр-муҳаббатлик бўлиши, ташвишларидан хабардор бўлиши, оғизларига маҳкам бўлишлари лозим, халқ эса доимо насиҳатда бўлиб, подшоҳга шукрона қилишлари керак.

СЎРАДИЛАР: Сурур нима? Лаззат нима?

ДЕДИ: Охират талабиди қилинадиган ишлар сурур келтиради. Сурурдан ўзга нарсалар беҳуда вақт ўтказиш ва аста-секин йўқолиб кетишидир.

СЎРАДИЛАР: Беҳуда вақт ўтказиш гуноҳсиз бўладими?

ДЕДИ: Йўқ.

СЎРАДИЛАР: Ман-манлик нима? Мақтанчоқлик нима?

ДЕДИ: Мақтанчоқ одам гоҳида ўзини ўзи мақтайди, пастроқ ҳолатга тушиб қолишдан қўрққан ёки тушиб қолган ҳолатидан қиқиб кетиш учун шу ишни қилади. Ман-ман одам мақтанмайди, лекин ўзини ҳақиқий ҳолатидан анча баланд ушлайди, ҳаттоки берилган саломга алик ҳам олиш унга малолдир.

СЎРАДИЛАР: Риё нима? Сохта кўриниш нима?

ДЕДИ: Риёкор аслида салбий одам, лекин ўзини яхши, ижобий ва гўзал қилиб

кўрсатади; ўзини яхши кўрсатиш эса ўзининг ҳақиқий ҳолатига хилоф ҳолда ижобий шаклда кўринишга ҳаракатидир.

СЎРАДИЛАР: Қай бири ёмонроқ?

ДЕДИ: Ўзига нисбатан олинса сохта кўриниш ёмон. Амалда эса риё.

СЎРАДИЛАР: Ҳазабни нима қайтаради?

ДЕДИ: Раббимизни ғазаблантиришни эслаш; бу ҳолатда банда фоҳиш амалдан қайтиб, ҳилмига ўрин беради.

СЎРАДИЛАР: Банда шубҳаланиши мумкин бўлмаган тўрт нарса нима?

ДЕДИ: Аллоҳ таолога итотда бўлиш; бу дунёдан кўра охиратни фазилатроқ деб билиш; шохнинг адолатга тўғри келадиган ишларига итотда бўлиш; муҳсин одамнинг савоблик ишларига шубҳа қилмаслик, ёмоннинг ишларини худого солишлик.

СЎРАДИЛАР: Куйидаги гапинингизни эшитдик: «Подшоҳни бу дунёда ва охиратда

ҳалок этувчи бир хислат борки, у билан давлат кўкармайди». Ана шу хислат нима эканлигини билмоқчимиз!

ДЕДИ: Фазилат ва илм аҳлини хор қилишди.

СЎРАДИЛАР: Куйидаги гапинингизни эшитдик: «Орини йўқотишни истамаган одам беш хислатдан қочини керак». У қандай хислатлар?

ДЕДИ: Ҳирс, ҳасиллик, одамларга нисбатан серҳақорат бўлишлик, шаҳват кетилан қилмиш ва илда муддатини чўзишлик.

СЎРАДИЛАР: Сиз орни қандай тушунасиз? Сиз айтганлардан ҳам кучли ор бўладими?

ДЕДИ: Ҳа! У кабиралардир. Яратқувчини тан олмаслик ва унга хилоф ишлар қилиш; булардан келадиган оқибатлар эса сен эгалик қилмаган ва сенинг ҳақинг бўлмаган нарсаларга кўз олайтиришдир. Кабираларнинг боши Аллоҳ белгиланган ҳудудлардан чиқишликдир.

Яхшилар гулшани

тиржамлик.

СЎРАДИЛАР: Уйдан ҳайдалган инсоннинг аянчли аҳволини кўриб, унинг сабабини сўрадилар?

ДЕДИ: Сабаби шундаки, бу одамда вафо йўқ, масъулият йўқ, ака-укалари ҳолидан умуман хабар олмайди.

Пок, бегуноҳ авлиёлар ўлими улар учун роҳат бўлса, ёмонлар ўлими дунё аҳли учун роҳатдир. Шукр ва гуноҳлар ҳақида сўрадилар.

ДЕДИ: Аллоҳ таолога доимо шукр қилувчи одамларнинг гуноҳлари кечирилади.

СЎРАДИЛАР: Инсон учун қайси гуноҳ энг каттадир?

ДЕДИ: Айбини беркитадиган гуноҳ.

СЎРАДИЛАР: Эсдан чиқариб бўлмайдиган ишлар қайсылар?

ДЕДИ: Оқил одамларнинг гуноҳ қилганлари. Жаҳл аҳлининг эса бировга ўшмамоқчи бўлганлари.

СЎРАДИЛАР: Ҳасадчининг Ҳасадини нима қилиб қайтарса бўлади?

ДЕДИ: Ўзи англаши керак, ҳасад инсон юрагини иллат, уни бағрида кўтариб юришликдан манфаат йўқдир, ҳасад билан фақат ўзининг на ейти холос.

СЎРАДИЛАР: Ҳосад одам маҳсудга (ҳасад қилинмиш одам) зарар етказиши мумкинми?

ДЕДИ: Қандай қилиб ҳосид (ҳасад қилувчи) маҳсудга

зарар етказиши мумкин, қачонки биринчи гада ўз ичини ейишдан бешматаса? Маҳсудни бирор неъматдан маҳрум этиши мумкин, лекин унинг дилига йўл топа олмайди.

СЎРАДИЛАР: Подшоҳларни нима безайди?

ДЕДИ: Нариди бўлишлик.

СЎРАДИЛАР: Нимадан?

ДЕДИ: Ҳаромдан.

СЎРАДИЛАР: Кейинчи?

ДЕДИ: Халқ қўлига қарамаслик.

СЎРАДИЛАР: Кейин нима?

ДЕДИ: Ҳирсга йўл бермаслик, зўрлик билан мақсадга эришмаслик, акс ҳолда виқор кетади.

СЎРАДИЛАР: Нима подшоҳларни мақтовга лойиқ этади? Нима айтган ишини этади? Нима айтган эътиди ва нима уларни тубанлаштиради, айбдор қилади?


ДЕДИ: Яхши амалларга бир хислат орқали эришилади: ахшиликка бел боғласалар албатта қиладилар. Айтганини устидан чиқишлик ҳам бир хислат орқали содир бўлади: хайрлик ишларни рўёбга чиқариш. Айбловчи нарсаларга бир хислат олиб боради: ғазаб кетидан кетиб иш юритиш.

(Давоми бор)

Маҳмудхўжа
НУРИДДИНОВ
таржимаси

Ақл дурдоналари

ИСТИҚДОЛИМ - ИСТИҚБОЛИМ



Халқимиз орасида кишиларни, айниқса ёшларни камолга етказишга, жиқлаштиришга, Ватанини севишга, Истиқлолни ардоқлашга даъват этувчи олам-олам маънога эга бўлган ҳикमतлар, мақол ва маталлар кенг тарқалган. Ушбу маънавий бойлигимиздан ёшларни кўпроқ баҳраманд этиш, улардан муомала, маърузаларда фойдаланишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ мақолларини, ақл дурдоналарини яхши ўрганган шахслар илм, маърифат, ахлоқ, одоб дунёсида адашганларни тўғри йўлга солишга мушарраф бўладилар. Ҳадислар, ҳикमतлар мудроқликдан, жазолатдан асровчи уйғоқ сўздир. Буюк алломи катта аҳамият берганлар, юксак баҳолаганлар. Амир Хисрав Деҳлавий ёзади:

Хар танак ҳикмат ила саришта,
Оддий эмас, у бир фаришта.
Дурдоналар ҳазинасининг шундай фазилатларидан таъсирланиб, тарих фанлари номзода, элшунос олим, Тошкент шаҳар Мирзо Фолиб номидида маҳалла фаоли Билол АМИНОВ таҳририятга янги «АҚЛ ДУРДОНАЛАРИ» рўқнини очиб тақлифини киритди.

Мустақиллик ҳақида ҳикमतлар

Мустақиллик - Ватанини анлаш, уни кўз қорачиқидек сақлаш.

Одамнинг бахти - унинг озодалигида, халқнинг бахти - Мустақиллигида!

Мустақиллик қалбини поклаш, руҳланиш ва интилиш ҳамдир.

Мустақиллик иймоннинг ибтидоси, буюк маънавий озуқа, инсон камолотининг шаҳодат қадам ташлаши демак.

Мустақиллик тинч-тотув яшаш, миллат руҳининг қайтиши ва янги парвозлардир.

Мустақиллик инсонийлик фазилати бўлмиш - урф-одат, анъаналарни тиклаш, қадриятларимизнинг қадрига етишининг бошланиши, тил ва дилнинг барлиги.

Газетхон илҳоми

Жаҳон майдонида шухратинг ортли,
Илму донишларинг доврқ таратли,
Хур, фикр эгаси, озомиз бу кун,
Юртим, Истиқлолинг муборак бўлсин!

Осмонинг мусаффо, гўшаларинг тинч,
Дуодан чарчамас кексаларинг ҳеч,
Хурлик чечаклари яшнар кунба-кун,
Юртим, Истиқлолинг муборак бўлсин!

МУБОРАК БЎЛСИН...

Озоликнинг шавқи, завқ ўзатча,
Бу шодон кунларга етмаган қанча...
Истиқлол бор экан - ҳаёт чарогон,
Бизни илгарига чорлайди Ватан!

Юртим, истиқлолинг муборак бўлсин,
Юртим, истиқлолинг муборак бўлсин!

Чўлпоной МЕЛИҚУЗИЕВА.

Сиз қандай китоб ўқиясиз?

ЭНДИ АДАШМА, ҲАЙИТБОЙ!

Истиқлолимиз туфайли ҳаётимизнинг турли жаҳаларида буюк ўзгаришлар юз бермоқда. Шу жумладан, бадий адабиётимизда ҳам не-не булоқларнинг кўзи очилиб, халқимизга танилди. Ана шундай ижодкорлардан бири Баҳодир Худойбергандир. Унинг «Тақдир ўйинлари» романи ўқувчилар қўлига бориб теги. Ушбу асар ёшлар ҳаётидан олиб ёзилгани билан ҳам қадридлир. Романдида қаҳрамонларнинг ҳар бири ҳаётда ўзини англашга, ўз йилини, муҳаббатини, бахтини топишга ҳаракат қилади, бу йўлда гоҳо адашди, қоклади, лекин энг асосийи, уларда ҳаракат бор.

«Тақдир ўйинлари» романининг бош қаҳрамони Ҳайитбой ўз йўлини ўзи топишга интилувчи инсонлардан. У ҳарбий хизматдан қайтгач, келгуси ҳаётини қандай қилиш ҳақида бош қотиради.

«Йўлларинг жуда расво экан! Ҳалигача асфалт келмади. Йўлнинг тортигини айтмайсизми. Устига-устак ҳаммаёқ чанг!.. - ҳайдовчи нозрози оҳангда тўнгилаб қўйди.

«Хали бу йўлларни соғиниб ҳам қоларсиз, ака! Шундай йўллар кураликки, қани энди шу томонларга ҳам йўловчи бўлса, деб одам излаб ҳам юрарсиз...»

Асар қаҳрамони йўл қурувчи инженер бўлмоқчи. Ҳарбий хизматдан қайтган Ҳайитбойни қадрдон қишлоғига олиб бораётган ҳайдовчи билан бўлиб ўтган юқоридаги шу қисқагина сўзбаша Ҳайитбойнинг олийжаноб нияти ошкор бўлади, у келажакда йўл қурувчи, одамларнинг оғирини енгил қилмоқчи.

Хоразмдан Тошкентга яхши ниятлар билан келган Ҳайитбой биринчи дили ўқишга киролмайди, заводда ишга кириди. Ҳайитбойнинг муҳаббат борасида ҳам омади чопмайди, қишлоқдош қиз Гулчехра уни ўз «қармоғ»ига илдинтироқчи бўлади, лекин



Ҳайитбой ҳам анойилардан эмас...

Адабиётда яхши асарлар ҳақида «ҳаётини асар», «айнан ҳаётнинг ўзи» деган гаплар юради. Гоҳо эса бадий асарга айнан ана шу нуктаи назардан туриб баҳо берилади. Лекин бадий асар ана шу ҳаётини воқеа ёки ҳолисаларнинг ички моҳиятини очиб бериши билан кўпроқ қадридлир. Шу ўринда Баҳодир Худойбергандовнинг ўзига хос услубий йўналиши мавжуд.

Баҳодир услубида баёнга, лирик чекимшларга жуда кам ўрин берилади, кўпроқ воқеалар жонди сўзлашув, диалоглар орқали ўқувчи кўз олдига намоён бўлади. Ҳатто унда қаҳрамонлар ҳолати, психологияси тасвири ҳам ана шу мулоқот-диалоглар қадрида.

Кўпгина бошловчи ёзувчилар воқеа ва ҳолисаларни ўз «мен»и орқали, баён қиладилар, шу билан ўз кечинмаларини ўқувчига тез юқтиришга ҳаракат қиладилар. Баҳодир Худойбергандовда ёзувчи «мен»ини мулҳоқ учратмайсиз. У манзара ва ҳолатларни, воқеаларни диалоглар орқали тасвирлайди ва шу усул билан қаҳрамонлар қалбидидаги кечинмаларини, ҳаётларида рўй берган ўзгаришларни кўрсатишга кўпроқ ўрин беради.

Асар қаҳрамони Ҳайитбой таниш-билиш, пора эвазига институтга ўқишга ҳам кириди, бакалоқ деканининг уйда югурдаклик қилади, унинг участкаси қурилишида «завхоз»га айланади. Шу тахлит Ҳайитбой инсон сифатида тубанлашиб бораётгандек туюлади. Лекин қизи Гулчехра ҳам, кейинчалик танишган Каромат ҳам уни алдайди. Шу ерда Ҳайитбой Отаназар исми ажайиб олим, инсон билан танишиб қолади.

«Сиз пул инсондан устун туради, дедингиз. Нимага асосланиб шундай дейсиз?»

«Қаерга борманг, энг мушкул муаммо пул билан битидади. Каттақонлар учун пул олдида одамнинг қадри тарихча ҳам эмас.

«Катталар деб ҳаммани ҳам айтиш инсондан эмас. Айримлари сиз айтгандек бўлиши мумкин. Ана ушлар турли эгри йўллар воситасида ва эгри қўллар ёрдамида сохта обрў ва бойликка интилишди.»

Ушбу тасодифий учрашув Ҳайитбой ҳаётида яхшилик томон ўзгаришларнинг дебоси бўлиб хизмат қилади, у ҳаётда Отаназар акадек устозга дуч келган эди. Унинг ҳаётини янги, ҳақиқий севи кириб келди, боқира қиз Наргиза билан танишув унинг ҳаётини нур бағишлайди, мактабга ўқитувчиликка ишга ўтади. Наргизанинг ота-онаси эса қизларининг Ҳайитбойга турмушта чиқишига тиш-тирноғи билан қарши. Севишганлар бошига турли тухматлар ёғилади. Асарда ёшларнинг турмуш мураккабликларини, чингалликларини енгиб ўтганлиги ишончли тасвирланади.

Нормўмин ОЧИЛОВ.

Мусаввир хандаси

Бола:
— Менга
тирик қуш
керак...



О.ВАСИХОНОВ чизган.

ТУРРА ОЛАМ

КИМ ШОХИДА-Ю, КИМ БАРГИДА

Етмиш яшар
липецлик нафа-
қажўр С.са эши-
гининг ногоҳонда
тақиллаши
ёқинқирамади.

У эриниёғина эшикни очса, тузуккина кийинган икки аёл турар эди. Улар уларнинг район ижтимоий таъминот бўлимининг ходимлари деб таништириб, яқин орада пул реформаси ўтказилишини билдиришди. Бу кимсалар қишлоқдаги қарияларга «халис» хизмат кўрсатмоқчи эканликларини, яъни уларни бир неча кунлаб навбат кутиш азобидан, оворагарчиликдан қутқаришга бел боғлагандекларини айтишди. Шум ниятларини амалга ошириш учун «халис хизматчилар» уйма-уй юриб нафақадурларнинг тўплаган пулларини бир парча қозоғга тилхат ёзиб берди, йигиб олишди. Биз юқорида номини келтирган С. ҳам бундан четда қолмади. У берган 2.400 рубльга қандайдур штамп босилган тилхатни ола туриб, қўшни аёл унга бир нечта тилла асбобларини бериб, район марказига бориб сотиб келишини иттимос қилганлигини қўшиб қўйди. Бу тақинчоқларга райобсес ходимлари тортишмай 5.500 рубль беришди-ю, аммо улар мисдан ясалган «қўлбола» тақинчоқларни олаётганликларини билмай қолди. Улар уларича бу чолни ҳам лаққа туширамиз деб ўйлашган бўлишса керак. Бу кўринишдан содда, ишонувчан чол ёшлигда фирибгарлик учун уларга қамалиб чиққанлигини улар қайқдан билшсин.

ИСМ ТАНЛАШДА ГАП КЎП

Молдовиянинг
Бельци шаҳ-
рида яқинда қи-
зиқ бир социоло-
гик сўров ўткази-
ди.

Ота-онанинг ўз фарзандлари тутилганда қўйилган исмлари уларга умрбод ёқдими деган саволга сўралганларнинг ўн уч фоизи исмлари ёқмади, лекин билдирилганлар, Респондентларнинг қирқ уч фоизи эса номлари уларича ёқди, қолганлари эса бу ҳақда улар ҳеч ўйлаб кўрмаганларини маълум қилдилар. Шунинг билан биргаликда сўралганлар ҳам учрайдиган Вилара, Марлен сингари исмлар, ҳамда жуда кенг тарқалган Иван, Марья, Татьяна сингари исмларнинг соҳиб бўлишни хоҳламасликларини билдирилган.

ЖАЗО

Германиянинг
Аохен шаҳрида
истиқомат қи-
лувчи 39 ёшли
фужқаро ўз хоти-
нини ўлдирганли-
ги учун умрбод
қамоқ жазосига
ҳукм қилинди.

Сувоқчи бўлиб ишлайдиган бу эрак ўзининг 31 яшар рафикасини ҳақиқий маънода бетонлаб ташлаган. Жиноятчи аввалда ухлаб ётган хотинини ёстиқ билан бўғиб, сўнгра ертўлага олиб тушиб чуқурга ташлаб, устиди цемент билан текислаб суяб қўйган. Бу жиноят бир неча ой ўтиб, яъни аёл кўни-қўшиқлар кўзига кўринмай қолгандан кейингина ошкор бўлди. Суд бу ишни кўриб чиқишда чуқур тафсилотларга берилмай бу «сувоқчи»ни умрбод қамоққа ҳукм қилди.

МАНАЛЛА

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

- Аъзам ГАДОЙБОВЕВ,
- Акмал САИДОВ,
- Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,
- Бобур АЛИМОВ,
- Эркин БОҚИБОВЕВ,
- Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари),
- Рустам ҚОСИМОВ,
- Раҳмон КЎЧҚОР,
- Бахтиёр РИЗАЕВ,
- Шухрат РИЗАЕВ,
- Шавкат УРАЗАЕВ,
- Татьяна Берди ҚУРБОНОВ,
- Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БҮРИЕВ

Саҳифаловчи:
Аброр БЕРДИЕВ

Навбатчи:
Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят
компьютериди терилди
ва саҳифаланди, офсет
усулида босилди.

А-2, 2 босма тобоқ.

Буюртма Г-626

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида босилди.

Тошкент, Буюк Турон
кўчаси, 41.